

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий иқтисодиёт факултети
“Миллий ғоя, манавият асослари ва ҳуқуқ талими”
йўналиши 3-босқич талабаси
Сотволдиев Сардорнинг Миллий ғоя фанидан

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ**

мавзусидаги

РЕФЕРАТИ

Текширди _____ Ў. Мухторов

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

1 Ўзбек маҳалласи – миллий қадриятлар силсиласи.

Одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ҳамда тотувлик, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш каби эл-юртимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар собиқ Иттифоқ мафкураси маҳаллаларни расман тан олмади, уларни жамиятни бошқариш тизимига киритмади. Маҳаллалар фаолияти миллий қадриятларни эъзозлаш ва тарғиб қилишга эмас, балки фақат собиқ мустабид тузум ғояларига қаратилди, унинг тузилиши маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос белгилар билан шакллантирилди. Бошқача айтганда, маънавият, таълим-тарбия соҳасида маҳалланинг аҳамияти йўққа чиқарилган, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш ман этилган эди.

Мустақилликдан сўнг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон умумжаҳон нормаларини инобатга олган ҳолда, миллий давлатчилик пойдеворини яратишга киришди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган маҳалла институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш ушбу сиёсатнинг узвий қисми сифатида белгиланди. Маҳалланинг нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала эканлиги устувор вазифа сифатида белгиланиб, унинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ишончли таянчи ва таъсирчан кучи бўлиб хизмат қилишига зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чоратадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг замон талабларига мос ҳолда такомиллаштирилиб борилиши жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида ушбу ноёб тузилманинг мақомини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мақомини белгилаш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди.

1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Қонун мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилган кенг кўламли ислохотларга ҳамоҳанг тарзда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлар доирасини кенгайтириш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида 2004 йилнинг 1 июлидан бошлаб фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Айти пайтда ушбу тизимда 8500 дан ортиқ маслаҳатчи аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни ривожлантиришда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги қарори асосида фуқаролар йиғинларида «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмалари фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳудудларда

осойишталикни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Умуман олганда, мустақиллик йилларида фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид қабул қилинган элликдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ривожига катта ҳисса қўшишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

2 Маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштиришга оид илгари сурилган устувор вазифалар маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада оширишда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, 2013 йилнинг апрель ойида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга, уларнинг вазифалари кўламини кенгайтиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга қаратилган нормалар акс этди.

Бошқача айтганда, мазкур Қонун маҳаллаларни аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айлантиришда, шунингдек, уларнинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришдаги фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирда фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд вазифалар муваффақиятли тарзда бажариб келинмоқда.

Шу билан бирга, қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш, раислар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини таъминлашга қаратилган қоидалар ўз ифодасини топди.

Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсатнинг нақадар халқчиллигидан далолат беради. Бу борада маҳалла институти жамиятимиз ҳаётининг энг самарали, айти пайтда миллий кўриниши сифатида юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилнинг амалий ифодасига, кенг халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкка, ҳақиқий демократия дарсхонасига айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 30 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида», 2013 йил 7 октябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар билан соҳага оид 15 га яқин низомлар тасдиқланган бўлиб, улар маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга кўмаклашиш, фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Шу жумладан, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссияси фаолиятига оид тасдиқланган намунавий Низомларнинг амалиётга татбиқ этилиши

маҳаллалар ишига кенг жамоатчиликни жалб этишга катта туртки бериши, шубҳасиз.

Айни пайтда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йилда Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ташкил этилганлиги ва ўтган йиллар мобайнида унинг фаолиятини такомиллаштиришга бўлган эътибор маҳаллаларда миллий қадриятларни эъзозлаш ва тарғиб этиш, маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларни қўллаб-қувватлаш соҳасида кенг қўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминламоқда. Хусусан, ушбу жамоат ташкилоти томонидан фуқаролар йиғинларига услубий кўмаклашиш мақсадида 2006-2013 йиллар давомида 30 дан ортиқ қўлланма ва адабиётлар тайёрланиб, барча фуқаролар йиғинларига етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, биргина 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллаларда 245 мингга яқин маърифий-маданий тадбирларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида Фонднинг ҳудудий тузилмалари томонидан маҳаллаларга услубий-амалий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, бу борада фуқаролар йиғинларида жамоатчилик асосида 7 мингга яқин тарғибот гуруҳлари фаолияти самарали йўлга қўйилди, 6 мингдан ортиқ маҳаллаларда «Маънавият хоналари», 3400 дан зиёд ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашдаги фаолиятини ўрганиш, уларнинг илғор тажрибасини кенг оммалаштириш мақсадида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари», «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» каби кўрик-танловларнинг анъанавий тарзда ҳар йили

ўтказилиб, унда қарийб барча фуқаролар йиғинларининг иштироки таъминланмоқда.

Шунингдек, маҳалла ёшлари ўртасида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» каби спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилиб келинмоқда.

Фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилаётган ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга кўмаклашиш мақсадида 8700 дан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида «Ота-оналар университетлари»ни ташкил этишга кўмаклашилди. Мустаҳкам оилани шакллантириш, ёшларни баркамол қилиб вояга етказишда маҳаллалар қошидаги «Ота-оналар университети» фаолиятини эътироф этиб ўтиш жоиз. Негаки, айти пайтда 9100 тага яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган университет оила бошлиқларининг фарзанд тарбиясидаги энг яқин кўмакчисига айланган.

Ҳар йили маҳаллалар ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, муқаддас қадамжоларни тартибга келтириш мақсадида умумхалқ хайрия ҳашарлари анъанавий тарзда ташкил этилиб келинмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида бунёдкорлик ва ташаббускорлик, эзгулик ва шижоат тимсолига, маънавий ҳаётимизнинг узвий қисми сифатида умуммиллий анъанага айланган ушбу тадбирда 18 миллионга яқин фуқаролар, шу жумладан, 10 миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этмоқда. Биргина мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 24 — 25 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунларида 960 та зиёратгоҳ ва 9 мингдан ортиқ қабристонлар, 33,3 минг гектар майдон ободонлаштирилди,

40 мингга яқин оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди, 566 та янги боғ ташкил этилди.

Маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Фонднинг ҳудудий тузилмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда, маҳаллаларда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, ҳудудларда янги иш ўринларини яратишга кўмаклашилмоқда. Айни пайтда, фуқаролар йиғинлари ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этилмоқда. Бу борада манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан 2013 йилнинг 24 июнида ушбу марказларнинг намунавий Низоми қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини самарали таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш амалиётининг тобора такомиллашиб бориши, ўз навбатида, ҳудудларда қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, энг муҳими, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш тизимини янада такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутмоқда. Бу борада туман(шаҳар) ҳокимлари томонидан 2013 йилнинг биринчи чорагида фуқаролар йиғинларига 4757 маротаба, иккинчи чорагида 6459 маротаба, учинчи чорагида 5407 маротаба ҳисоботлар тақдим этилганини қайд этиш лозим. Шунингдек, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандликка кўмаклашиш, коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари

рахбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботлари ҳам тизимли равишда эшитилиб борилмоқда.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Жумладан, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуаси доирасида ўтган давр мобайнида маҳаллаларда 98 мингдан ортиқ тадбир ташкил этилди.

Маҳалла фаолларининг фидокорона меҳнати, амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2006-2012 йиллар давомида оилавий ажримлар сони 50 фоизга, нотинч оилалар — 30 фоизга, аёллар ўртасида жиноятчилик ҳолатларини содир этиш ҳолатлари — 25 фоизга, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони — 40 фоизга камайишига эришилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинлари ходимларининг касбий ва бошқариш малакаларини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимли методик ёрдамни ташкил этиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2013 йил 10 октябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори тизим фаоллари томонидан мамнунлик билан кутиб олинди. Зеро, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари зиммасидаги вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида уларнинг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни ташкил қилиш давр талаби ҳисобланади. Қолаверса, ташкил этиладиган ўқув курслари фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат

ташкilotлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилаётган вазифалар ижросини самарали бажариш, аҳолининг маҳалла институтига бўлган ишончига сазовор бўлиш, айти пайтда 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида соҳага ҳар томонлама фидойи, ташаббускор фуқаролар сайланишини тақозо этади. Чунки бўлажак сайловларда ҳар томонлама муносиб фуқароларнинг йиғин раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари этиб сайланиши, ўз навбатида, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифа — маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш, хусусан, илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасида бўлган ўттиздан ортиқ вазифалар ижросини тўлақонли таъминлашга хизмат қилади.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, оилаларни, айтиқса, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини самарали ташкил этиш каби устувор вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини фаоллаштириш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб этиш лозимлиги объектив зарурат бўлиб, мазкур ҳолат ҳам бўлажак сайловларда сайланадиган ҳар бир йиғин раисидан, унинг маслаҳатчиларидан юксак билим ва малакани, ташаббускорликни талаб этади.

Чунки сайланадиган аксарият маслаҳатчилар келгусида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилишади. Бинобарин, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган кенг қамровли вазифалар ижросини таъминлаш, ўз навбатида, уларда фаолият кўрсатадиган ҳар бир жамоатчилик комиссияси ишини самарали ташкил этиш билан узвий боғлиқ.

Ушбу устувор вазифалардан келиб чиқиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги тузилмалари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда сайловни юқори савияда ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича жойларни белгилаш, уларда зарур шарт-шароитлар яратиш борасида чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларга услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда бўлажак сайловларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида аҳоли билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Мухтасар айтганда, бўлажак сайловларда ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага, шунингдек, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, ўзининг меҳнат фаолиятида ижобий ютуқларга эришган, фидойи, маънавий етук, Ватанимиз тараққиёти ва маҳалла ривожига йўлида ўз кучи ва билимини аямайдиган энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сифатида сайланиши олий мақсадимиз бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади.

Бинобарин, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда барчамизнинг фаол қатнашишимиз, энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлашда қатъий гражданлик позициясини намоён этишимиз, пировард натижада, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрнини янада мустаҳкамлайди, нуфузини оширади.

3 Миллий маънавий тикланишда маҳалланинг ўрни.

Маълумки, ўзбек халқи жаҳон халқлари, жумладан, туркий халқлар орасида биринчилардан бўлиб ўtroқлашган қадимий маданий халқлардандир. Шаҳарларимиз ҳам, катта қишлоқларимиз ҳам азал-азалдан маҳаллаларга бўлинган. Чунки дарё бўйларидаги серҳосил ерлар, табиий шароит шундай ҳаёт тарзини тақозо қилган. Қадимги туркий тилда “Маҳалла” ибораси ўрнида кўй сўзи ишлатилган. Бу сўз маҳалла-кўй жуфт сўзи таркибида қўлланади. “Маҳалла” сўзи арабча “маҳал” сўзидан олинган бўлиб, “истикомат қиладиган жой”, “ҳудуд” маъноларини билдиради¹. Маҳалла – бу шарқона “демократия дарсхонасидир”. Маҳалла деганимизда авваламбор, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантирадиган, шу билан бирга, келажак авлодларнинг камол топишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз. Айниқса, бола тарбиясида маҳалланинг ўрни ва роли каттадир.

Қадимдан одоб нормалари-ўтириш, туриш, юриш маданияти, салом бериш, катталарга ҳурмат, кичикни эъзозлаш, ота-онани муқаддас билиш ва уларнинг ҳурматларини жойига қўйиш, шарм-ҳаё, ибo, сабр-тоқат, қаноат каби қадриятлар ёшлар онгига мунтазам равишда сингдириб келинган. Оиланинг рисоладагидек бўлиши, эр-хотиннинг тинч-тотув, пири бадавлат, ували-жували бўлиб яшашида кўни-қўшнилари таъсири кучли бўлган. Айниқса, ёш авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни муҳим тарбиявий аҳамият касб этган.

Ёши улуғларимиз “Бир болага етти маҳалла маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган мақолни бежизга таъкидламайдилар. Келажак авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш жараёнини амалга ошириш борасида кичик Ватан бўлмиш маҳалла олдида қўйидаги вазифалар туради: “Тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган

¹Амалга ошириладиган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир. / Президент Ислom Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув – услубий қўлланма. – Тошкент. “O'qituvchi”, 2014. – 88 бет.

масалаларни муҳокама қилиш ва оқилона ечимларни топишда фаоллик кўрсатиш, маънавий носоғлом оилани маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, уларга нисбатан жамоатчилик чораларини қўллаш, маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни қўллаб-қувватлаш, ота-оналар ёрдамида болаларга ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий одоб каби хислатларни сингдириш ҳамда ёшлар диний мазҳаб ва секталар, ақидапарастликни моҳиятини англаб етишлари учун ота-оналар орқали улар онгига таъсир кўрсатиш, эртанги кун эгалари қалбига улут аждодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боориш мақсадида жамоатчиликни сафарбар этиш ва бошқалар”².

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият– енгилмас куч” асарида “Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли нақлини ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз”³, дея ҳаққоний таъкидлаган эдилар. Ўтмишда катта шаҳарларимиз аввало даҳаларга, даҳалар эса маҳаллаларга бўлинган. Маҳаллалардаги ҳокимиятни эликбоши бошқарган, диний ишларга маҳалла масжидининг имоми етакчилик қилган. Маҳаллаларга бўлинган катта қишлоқларни амин бошқарган, кичик қишлоқларни қишлоқ оқсоқоли идора қилган. Ҳар бир маҳалланинг ўз гузари бўлган. Гузарда чойхона, нонвойхона, баққоллик, қассоб дўкони, масжид, ҳовуз, сартарошхона, ямоқчилик дўкони бўлган. Масжидда имом хатиб, мутавалли, сўфи ишлаган. Улар масжидга бириктирилган вақфдан келган маблағдан маош олган. Чоризм даврида вақф мулки бекор қилинган, маҳалла аҳли таъминотида бўлишган. Маҳаллада қоровул бўлган-у, фаррош бўлмаган. Озодалик ишлари билан барча аҳоли шуғулланган. Кишиларнинг тарихан шаклланган, оиладан

²Тарбия: ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти, 2010. – 272-бет.

³Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Тошкент. Маънавият, 2008, 59 бет.

кейинг бирлиги – бу маҳалладир. Маҳаллани агар таъбир жоиз бўлса йирик бир оила дейиш мумкин. Ўтмишда ҳар бир маҳаллада асосан бир касб-кор одамлари – ҳамкасабалар истиқомат қилишган. Маҳаллалар шунга қараб номлангана: заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, парчабоб, косибчилик, пичоқчилик, эгарчи, темирчи, тақачи, ўқчи ва ҳоказо. Ҳозирги кунда замона зайли билан бир маҳаллада турли касб-кор кишилари яшайди. Лекин шу билан бирга, асосан ҳамкасбларнинг хонадонлари яшайдиган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Масалан, “Профессорлар”, “Олимлар”, “Шифокорлар”, “Геологлар” каби маҳаллалар мавжуд⁴. Маҳаллалар қадимдан эзгулик бешиги тарбия ўчоғи яшаш тарзи миллий удумлар, урф-одат ва анъаналар шаклланган маскан бўлиб келган. Одамларни бир-бирларига меҳр-оқибатли, мурувватли, саховатли қилиб тарбиялашда, табиатан барчани бирдек қон-қариндошдек қилиб қўйишда, ўзига хос жамоани шакллантиришда маҳаллалар жуда муҳим аҳамият касб этади. Зотан бугунги кунда маҳаллалар давлат бошқарувининг биринчи бўғинлари, асосий устунлари сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Юртимизда амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан яна бири бу оилани ҳар томонлама ривожлантириш, ёшлар трабиясида оиланинг ва оналарнинг ўрнини янада юксалтириш, оналар ва болаларни жамиятнинг энг имтиёзли ижтимоий қатламига айлантириш, миллий – маънавий қадриятларни тиклаш ва юксалтириш ишларида ҳам уларнинг ўрнини ва ролини ошириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган устувор вазифалари бўлди.

Аввало Ўзбекистон Республикасида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Хусусан, Ўзбекистон Канституциясининг XIV боби “Оила” деб номланади, анна шу бобнинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларининг ихтиёрий

⁴Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи. –Тошкент. “Маънавият”, 2007. 12-13 б.

розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади”, дейилган бўлиб, 64-моддада “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради”, дейилган бўлса, 65-моддасида эса, “Фарзандлар ота-онасининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”, деб қайд этиб қўйилган⁵. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида оила, оналар ва болалар, хотин-қизлар ҳуқуқлари кенг ва изчил равишда ўз аксини топди. Конституциямизнинг 14 боби “Оила” деб аталиши ҳам бежиз эмас. Унинг 65-моддасида қуйидаги сўзлар битилган: “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади⁶”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқиб, амалдаги Оила кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан тасдиқланди ва ўша йилнинг 1 сентябридан амалга киритилди. Оила кодекси 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат бўлиб, амалдаги Оила кодекси бир қатор оилавий ҳуқуқий муносабатларни янгича ҳал этган. Чунончи, унинг миллий қадриятларга асослангани (куда-андачилик, қариндош-уруғчилик, бобо-бувилар ва набиралар ўртасидаги муносабатларнинг янгича талқини), унда умуминсоний қадриятлар ҳам акс этгани (никоҳ шартномаси институтининг киритилиши, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши) алоҳида аҳамиятга эгадир⁷.

1998 йилдан Тошкентда “Оила” илмий-амалий маркази фаолият кўрсата бошлади. Ушбу марказда Ўзбекистонда оилани шакллантириш ва

⁵Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012. – 12-13-бетлар.

⁶Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012. – 13-бет.

⁷Каримова О. Оилавий муносабатлар қонун ҳимоясида// Олима аёлларнинг фан – техника тараққиётида туганган ўрни. Республика илмий – амалий анжумани материаллари. – Тошкент. 2008. –243-244 бет.

демографик ривожлантиришга оид муаммолар юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Давлат томонидан ёш болали оналарнинг иш соатлари чекланди, уларга тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, шунингдек, заруратдан келиб чиқиб, ўзларига қулай соатларда ёки уйда ишлаш имкониятлари берилди. Ҳар бир она ва бола соғлиғини кузатиш, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам давлат зиммасига юклатилди. Соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида давлат органлари, ташкилот ва муассасалари томонидан мактабгача талим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, интернет мактаблари ҳамда болалар соғломлаштириш комплекслари каби хилма-хил тармоқлар ривожлантирилмоқда⁸.

Юртбошимиз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилага, оналик ва болалик муаммоларига ўта муҳим, давлат аҳамиятига молик масала сифатида эътибор берди. Мамлакатимизда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди⁹. Юртбошимизнинг ташаббуси билан 1998 йил “Оила йили”, 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йил эса “Обод турмуш йили” номини олди. Йилларнинг бундай аталиши, қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бир қатор эзгу ишларни амалга оширишга йўл очди. Жумладан тўрт йилга мўлжалланган қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши дастури асосида бу йил 8,5 мингга яқин оила янги уйларга кўчиб ўтди¹⁰. 2012 йилга “Мустаҳкам оила йили” деб ном берилиши – ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун фаровон ҳаёт қуриш каби мақсадларимизни рўёбга чиқаришда оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Умуман,

⁸Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. / Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув – услубий қўлланма. – Тошкент. “O‘qituvchi”, 2014. – 77 бет.

⁹Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. / Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув – услубий қўлланма. – Тошкент. “O‘qituvchi”, 2014. – 77 бет.

¹⁰Очилова О. Соғлом оила – соғлом жамият асоси // Маърифат. 2012. 1-декабр.

мустақиллик йилларида мамлакатимизда болалар саломатлиги, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши йўлида олиб борилаётган ҳаракатлар Ўзбекистонда таълим-тарбия узвийлик тамойилига эга эканидан далолат беради. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошириш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлди. Жамият ва давлат ҳаётида хотин-қизларнинг ўрнини ва моқомини юксалтириш, уларни тараққиётимизнинг энг муҳим ва масъулиятли иштирокчилари сифатидаги фаолликларини таъминлаш—Ўзбекистонда хотин-қизлар сиёсий ижтимоийлашувининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 24 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишлар ҳажми ва кўлами янада кенгайди.

Хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари доимий эътиборда¹¹. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш борасида изчил фаолият олиб борилди. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятда хотин -қизларимизни ҳақимиятнинг барча тармоқларида— бу қонунчилик ёки ижро ҳокимияти бўладими, суд-ҳуқуқ тизими бўладими — том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш учун хали кўп иш қилишимиз лозим¹²”.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида давлат раҳбари И.А.Каримов томонидан аҳоли саломатлиги, оналар ва болалар саломатлиги, аёлларга муносабат масаласида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Мана шулардан келиб чиқиб,

¹¹ Усмонова Н. Баҳор ва гўзаллик тимсоли. // “Халқ сўзи” 2008, 8-март. № 48, 1-бет.

¹² Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон хотин –қизларига табриги”. // “Халқ сўзи”. 2007 йил 8 март.

Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бежизга оила ва маҳаллага эътибор қаратилмади. Чунки, глобаллашув даврида, ҳар қандай “оммавий маданият” таъсири кучайиб бориш имкони бўлган жойда халқ маънавияти билан боғлиқ бўлган, эл-юртимиздаги маънавий иқлимни маҳалла орқалига англаш имкони бўлади. Айни пайтда Президентимиз таъбирлари билан айтганда, “Ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ – одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган”¹³. Шу сабабли ҳам давлатимиз сиёсати ўзбек менталитети асосида амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” номли асарида: “Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етуқ шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз.”

Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бу ҳар томонлама етуқ баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишдир. Ҳозир боғчада, мактабда, ўрта махсус билим юртларида таълим тарбия олаётган ёш авлод эртага жамиятимиз тараққиёти билан боғлиқ ҳамма вазифаларни елкаларига оладиган ворислардир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ўз тараққиётининг илк давларидан бошлаб таълим тарбия ишларини яхшилашга қаратилган қатор янги қонунлар қабул қилди. Юртимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур”и қабул қилиниши уларни тадбиқ қилиш

¹³Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 55-бет.

жараёни пухта ишлаб чиқилганлиги ниҳоятда катта амалий аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда демократия қонунчилик асослари мустаҳкамланиб бормоқдаки, бу ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга катта эътибор берилиши лозимлигини тақозо этади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, албатта биз ҳуқуқий демократик давлат қурай эканмиз, келажагимиз воялари бўлмиш ёш авлод ҳам юксак ҳуқуқий маданиятли инсонлар бўлиб тарбияланмоқлари лозим.

Ҳуқуқий маданият эса жамиятда ҳар бир инсоннинг бурч ва адолат тушунчаларини чуқур англамоғидан бошланади. Фарзандлар, хусусан ўзбек фарзандлари оила муҳотида ижтимоий тарбиянинг барча жиҳатларини ўзига сингдирай экан, бунда бурч ва адолат тушунчалари, жамиятда яшашнинг катта бир мезони сифатида қаралади. Менталитетимизга хос бўлган баъзи анъаналаримиз, фарзандларни ёшликлариданоқ рўзғор юритишни ўргатиш, меҳнат қилиш, уни кадрлашни эрта даврлардан сингдирилади.

Болаларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувида оиладаги муҳит, маънавий ва моддий таъминот жуда муҳим аҳамият касб этади. Тўлиқ рисоладагидек оилаларда қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик, кўни-кўшничилик анъаналарига доимо риоя этилади. Бундай ҳолатлар эса болаларнинг ўз вақтида бурч ва адолат тушунчаларини шакллантиришга туртки бўлади. Лекин нотўлиқ оилаларда бундай муносабатларни шакллантириш қийинроқ кечади.

Кичик ёшдаги болаларнинг бурч тушунчаси кўпроқ уларнинг ота оналари улар берган саволларга қандай жавоблар берганликлари ҳам боғлиқ бўлади. “Қуш уясида кўрганини қилади” деган нақлга амал қилинадиган бўлса, ҳар қандай фарзанд ота-онасининг уй-рўзғор тутишида бир-бировларига қилаётган муомалаларидан ўрганади.

Оила бошлиғи бўлган ота ҳар доим ўз бурчини унутмай, рўзғорни моддий жиҳатдан таъминлаб, маънавий жиҳатдан доимо қўллаб-қувватлаб турса, болаларда ҳам ота шундай бўлиши керак, деган тушунча шаклланади. Оталик бурчини ўз оиласида сидқидилдан бажараётган ота ўз фарзандлари

учун ибрат, намуна бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Айниқса, ота-оналар ўз фарзандларининг барчасини бирдай кўриб, ҳамма жиҳатдан уларга адолатли муносабатда бўлса, бу ҳам уларнинг дунёқарашида адолат мезонларининг илк тасаввурлари ўсишига туртки бўлади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир берилган тўғри жавоб фарзандларга маънавий озуқа беради. Бизнинг ўзбек оилаларимизда кўпчилик ҳолларда биттадан кўп фарзандлар бўлиб, бундай оилаларда тарбияланишнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд. Бундай жараёнга оила аъзолари орасида меҳнатга муносабат, айниқса уларга меҳнат тақсимланиши адолатли бўлиб, ҳар ким ўз бурчи, маъсулиятини билиши ҳам таъсир этиши шубҳасиз.

Фарзандларнинг оилавий тарбия жараёнида жамиятдаги бурч ва адолат тушунчаларини самарали шакллантиришда, асосан икки омил мезон бўлиб хизмат қилади. Булар:

- оилада ота-оналарнинг ўз бурчларини сўзсиз амалга ошириши;
- ота-оналарнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатларида адолат мезонларига риоя этиши.

Фарзандларни энг аввало оилада бурчга садоқатли, адолат мезонларига доимо риоя қиладиган қилиб тарбиялаш ғоят муҳим ва маъсулиятли вазифадир. Бунда эса фарзанд учун ота-она кўзгу вазифасини бажаради. Уларнинг ҳатти-ҳаракати болалар учун барча тарбия воситаларидан ҳам яхшироқ таъсир этади. Буни ҳеч бир ота-она унутмаслиги лозим. Республикамиз умумтаълим мактабларида, мактабдан ташқари таълим муассасаларида ёш авлодда фуқаролик тушунчаларини шакллан-тириш асосли. Айниқса, бу масала оила, маҳалла, жамоатчилик ҳамкорлигида олиб борилса, ўз самарасини беради. Масалан, таълим жараёни, тадбирлар, кўргазмалар, семинар, конкурс ва спорт мусобақалари, ҳар-хил соҳа мутахассислари учрашувлари, бува-бувиларимиз суҳбатлари фарзандларимизда фуқаролик тушунчаларини шакллантириш омиллари бўла олади.

Эртанги келажак эгаларини ахлоқий пок, етук, жисмоний баркамол, ҳуқуқий саводхон, меҳнатсевар, бағрикенг қилиб тарбиялашда педагогик

тарбия усуллари, шакллари ва воситаларидан самарали фойдаланиш мумкин. Ёш авлодда фуқаролик тушунчаларини шакллантириш бу ўзбек халқига хос бўлган хусусиятларни сингдиришдир. Чунончи, оила қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла-қуйига, халқига, Ватанига хизмат қилувчи, меҳр-мурувват кўрсатадиган, бошқаларга ёрдам беришга қодир инсонлар бўлиб етишиши муқаррар. Демак, ёш авлодимиз миллий табиатга хос ўзаро меҳр-оқибатли, мурувватли, андишали, ор-номусли, бағрикенг, оқ қўнгил, меҳмондўст, ҳалол, инсонпарвар, меҳрибон, мустақил, дадил, матонатли бўлиб тарбияланишлари давр тақозосидир. Шунингдек фуқаролик ёшларнинг маънавий бойлиги бўлибгина қолмасдан, уларни кўринишида, муомаласида, фаолиятида, кийинишида, юриш-туришида ҳам ўз аксини топмоғи зарур.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т: Ўзбекистон, 1994 йил.
3. Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”(Биринчи чақириқ Ўзбекистон республикаси олий мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ. 1997 йил 29 август). -Т.: Шарқ, 1997.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажагига ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000 йил.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушнча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000 йил.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 йил.
7. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015 йил
8. Эркаев А. Ўзбекистон йўли –Т.: Маънавият, 2011 йил.
9. Мунавварова М. Миллий ғоянинг маънавий илдизлари. – Т.: Маънавият, 2011 йил.
10. Каримова О. Оилавий муносабатлар қонун ҳимоясида - Тошкент. 2008
11. Усмонова Н. Баҳор ва гўзаллик тимсоли. // “Халқ сўзи” 2008, 8-март.
12. Тарбия: ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти, 2010.
13. Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи. –Тошкент. “Маънавият”, 2007.